

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 19 июнь • №17 (1298)

## Ислохот одимлари

### КЛИНИКАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги "NANO Medical Clinic" кўп тармоқли шифохона фаолияти билан танишди.




агентлик (МАГАТЭ) назоратида ташкил этилган. Бундан ташқари, Германия, Туркия, Россиядаги етакчи тиббий марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Клиникада суяк тўқимасининг минерал зичлигини аниқлашнинг диагностика усули ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

Бугунги кунда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида уч қаватли жарроҳлик биноси курилмоқда. Бу аҳолига жаҳон стандартлари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш ва яна 60 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига хусусий тиббиёт тизимида



тириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қарорлари бу борадаги имкониятларни кенгайтирди.

Мисол учун, хусусий клиникалар шуғулланиши мумкин бўлган ихтисосликлар 50 тадан 129 тага кўпайтирилди. 2022 йил 1 январгача солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди.

Натижада 2017 йилда хусусий тиббиёт муассасалари 3 минг 454 тани ташкил қилган бўлса, жорий йил 1 июнь ҳолатига кўра, 5 минг 612 тага етган. 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Худудларда замонавий клиникалар ташкил этиб, тиббий хизматлар бўйича рақобатни, пировардида сифатни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш эъзасидан кўрсатмалар берилди.

president.uz

Бу замонавий клиника мамлакатимизда хусусий тиббиётни ривожлантириш бўйича яратилган тизим натижаларидан бири. Ўтган йили декабрда ишга туширилган терапевтик бинода маслаҳат поликлиникаси, 35 ўринли стационар, ядро тиббиёти, гемодиализ ва терапия бўлимлари, лаборатория жойлашган. Ушбу комплекс чет эл лойиҳаси асосида барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари бу курилиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Хар бир метр ердан оқилона фойдаланиб, ҳамма жиҳатлар ҳисобга олингани, бошқа объектларни лойиҳалаштиришда буни ўрганиш кераклигини таъкидлади. Клиникада эндокринология,

неврология, кардиология, офтальмология, урология, оториноларингология, ультратовуш ташхиси, терапия, физиотерапия бўйича консерватив даволаш йўлга қўйилган. Шифо маскани рақамли рентген, компьютер томографияси, суяк денситометри, юрак дефибрилятори каби илғор диагностика усуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 15 нафар олий тоифали шифокор фаолият олиб бормоқда.

Муҳим жиҳати, клиникада радионуклид текширувига асосланган ядро тиббиёти ва интервенцион радиология жорий қилинган. Бу турли эндокрин ва онкологик касалликларни аниқлаш ва даволашда катта самара беради. Ушбу йўналишлар Атом энергетикаси бўйича халқаро

амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида

хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда ўша йил 29 декабрдаги "Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлан-

## Ибратли умр

### КОМИЛ ИНСОННИ КОИНОТДАН ИЗЛАМАНГ у бизнинг фахримиз ва замондошимиз



Оиладаги бахт ва тотувликни ҳеч бир неъмат билан таққослаб бўлмайди. Аҳрор Яркулов ана шундай буюк неъматнинг соҳибига айланган замондошимиздир.

Орамизда шундай одамлар борки, улуғ ёшда ҳам юрт қорига, соҳанинг ривожига зарур ва ёшларга таянч бўла оладилар. Ҳаётини сеvimли касбисиз тасаввур қилолмайдилар. Яратган қанча умр берган бўлса, бу вақтни имкон қадар ўзи меҳнат қилган тизим ишига бахшида этади. Тиббиётимиз дарғаси, касбидан бахт топган инсон Аҳрор Яркулов ҳақида ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

"Тугилдим мен – одам бўлай деб, Эл-юртим дардига малҳам бўлай деб". Бу сатрлар Аҳрор Бахромовичнинг ҳаётини фалсафаси. Қарийб умрининг ярмини тиббиёт соҳасига бағишлаган бу инсон соғлиқни сақлаш тизимининг тамал тошини қўйганлар

Феруз НАЗИРОВ,  
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик:

Аҳрор Яркуловни инсонийлик, меҳнатсеварлик ва касбига бўлган эътиқодини хурмат қиламан.

Раҳбарлик – бу Оллоҳ томонидан иноят қилинган буюк муқофотдир. Бу бир санъат, кенг қиррали билимга эга бўлишни талаб қиладиган, маънавий улуғликка эришган, халқни кадрлайдиган, камтарин, адолатпарвар, жамият олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қиладиган жавобгар шахсдир. Ана шундай эзгу фазилатлар тенгдошим Аҳрор Бахромовичда мужассамлиги, у инсонни соғлиқни сақлаш тизимида оддий шифокорликдан раҳбарлик даражасигача



етиб келганлиги, бу албатта, камтарин инсоннинг машаққатли меҳнатлари ортидаги маҳсули, деб биламан.

Бир сўз билан айтганда, Аҳрор Яркуловнинг фаолияти ва ибрат тўла умр йўли зарҳал харфларга битилган китобларни безашига ишончим комил.

(Давоми 3-бетда).



## Халқаро ҳамкорлик

ЯПОНИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОБИЛ  
ПОЛИКЛИНИКАЛАРИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШ БОШЛАЙДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам дастури доирасида юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш лойиҳаси бўйича ҳужжатлар тўпламини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Уни мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Фузияма Ёшинори имзоладилар.

Грантнинг умумий миқдори 500 миллион иен (тахминан 4,5 миллион АҚШ доллари) ни ташкил қилади. Ушбу маблагларга ультратовуш апаратидан тортиб, рақамли рентген апарати, компьютер томографи, маммограф каби замонавий технологиялардан иборат инновацион кўча диагностика станцияси (контейнер); ПЦР лабораторияси, ультратовуш апарати, рақамли рентген апарати, маммографдан иборат юзлаб касалликларга қисқа фурсат ичида аниқ ташхис қўйиш имкониятига эга бўлган кўча лабора-



тория (контейнер); шунингдек, юқумли касалликлар шифоналари учун 3 та компьютер томографи етказиб берилди.

Лойиҳанинг мақсади – COVID-19 пандемияси даврида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими моддий техник

базасини янада мустаҳкамлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, кўплаб юқори технологияли ускуналарни ўзида жам қилган ушбу мобил поликлиникаларни мамлакатимизнинг исталган ҳудудига етказиш мумкин. Айниқса, юқумли касалликлар ўчоги пайдо бўлган тақдирда замонавий диагностика ва лаборатория жиҳозларининг тўлиқ тўпламидан иборат контейнер маҳаллий аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги  
Жамоатчилик билан  
алоқалар бўлими.

## Истеъдод эгалари

ЁШ ОЛИМЛАР ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ ОНЛАЙН  
ҲИМОЯ ҚИЛДИ

Бухоро давлат тиббиёт институтида илк бор хирургия соҳаси бўйича онлайн тарзда фалсафа доктори илмий даражаси ҳимояси бўлиб ўтди.

Институтнинг "Умумий хирургия" кафедраси профессори Баҳодир Сафоев раҳбарлигида ёш олимлар Тимур Болтаев ва Азизжон Раҳимов ўз мутахассисликлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари натижаларини Илмий кенгашга тақдим этди.

Онлайн тарзидаги ҳимоя жараёнида Академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи профессорлари ҳамда Москва шаҳридаги Н. Пирогова институти ва А. Вишневский номидаги тиббий миллий илмий тадқиқот марказидан профессорлар ҳам иштирок этиб, бажарилган илмий ишларга юқори баҳо берди.

Таъкидлаш керакки, институтнинг "Умумий хирургия" кафедрасида профессор Б. Сафоев раҳбарлигидаги илмий мактаб бор-йўғи уч йил олдин шаклланган бўлишига қарамай, мазкур иккита диссертациядан ташқари 8 нафар тадқиқотчи хирургиянинг долзарб муаммолари устида илмий изланиш олиб бормоқда. Бир йил давомида улар томонидан 4 та дарслик, 3 та монография ва 4 та ўқув қўлланма чоп этилган. Яна 5 та диссертация иши жорий йил охирига қадар институт Илмий кенгашига тақдим қилинади.

Тоҳир ИСТАТОВ.

## Фикр

КОРОНАВИРУСНИ  
ДАВОЛАШДА ИЛМИЙ  
БУРИЛИШ ЯСАЛГАНИ  
АЙТИЛМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Тедрос Адханом Гебреесус Буюк Британияда амалга оширилган стероид дексаметазоннинг клиник синови натижаларини COVID-19 инфекциясини даволашдаги "илмий бурилиш", деб атади.

Оксфорд университетиде ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шамоллашга қарши ишлатиладиган дексаметазон препарати COVID-19 билан хасталанган беморларнинг ўлими хавфини агар у ИВЛ апаратида уланган бўлса 35 фоизга, кислород олаётган бўлса 20 фоизга пайсатирар экан.

Британияда препаратнинг бир қутиси атиги беш фунт стерлинг туради. Британия ҳукумати ўтган жума куни дексаметазонни коронавируси даволовчи дори сифатида рўйхатдан ўтказди.

"Бу COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ўлим даражасини пайсатирувчи биринчи дори ҳисобланади", – дейди бosh котиб.

Гебреесус ушбу синови натижаларини "жуда зўр янгилик", деб атади.

ЖССТнинг хабар беришича, Буюк Британия мазкур тадқиқот ишларининг дастлабки натижаларини тақдим этди ва яқин орада маълумотларнинг тўлиқ таҳлилини ҳам олишига умид билдирди.

Шунингдек, кўп мамлакатларда коронавируси даволашда "Фавиправир" препарати асосида яратилган "Авифавир" дори си ҳам ишлатилмоқда. У клиник синовларда ўзининг самарадорлигини кўрсатган.

ЎЗА.

## КОРОНАВИРУС

## МЕНДА САВОЛ БОР

– 15 июнь санасидан бошлаб Япония, Жанубий Корея, ХХР ва Исроил давлатларидан (охирги 14 кун ушбу мамлакатларда бўлиб турган) кириб келган шахслар КАРАНТИН НАЗОРАТИГА ОЛИНМАЙДИ деган хабар берилди. Лекин ОАВларда Хитой ҳудудида вазият яна оғирлашгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтсангиз?

– Юқоридаги мамлакатларда сўнгги ҳафталарда эпидемиологик барқарорлик таъминланаётгани учунгина "яшил ҳудуд" деб белгиланди, агар эпидемиологик вазият оғирлашиши кузатилса, қўшимча қарорлар қабул қилиниши мумкин.

– Нега жамоат овқатланиш муассасаларига рухсат берилди-ю, тўйхоналарга эса йўқ?  
– Тўйларни ичмам ҳолда ва фа-

қат яқин қариндошлари даврида уй ҳовлисида 30 кишидан ошмаган ҳолда ўтказиш юзасидан Республика махсус комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинган.

Саволларга Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Ботир Курбонов жавоб берди.



Ибратли умр

# КОМИЛ ИНСОННИ КОИНОТДАН ИЗЛАМАНГ у бизнинг фахримиз ва замондошимиз

**Шавкат КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон ва Россия фанлар  
Академиясининг  
академиги, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган фан арбоби:



Инсон онги, тафаккури, дунё-қарashi, воқеа-ходисотларга муносабати, кишилар орасида тутган ўрни, жамият билан муросяю мадораси қандай шаклланиши мумкин? Шакланганда ҳам ҳар бир тараф учун манфаатли ва хайрли бўлиши учун одам иш ва ҳаракатни нимадан бошлаши керак? Қизиқишданми? Агар қизиқишдан десак, шунчаки қизиқувчанлик билан жуда кўп нарсага эришиб бўлмайди. Аҳрор Баҳромовичга Оллоҳ ноёб истеъдод ато этган. Ундаги масъулият, шижоат, матонат, касбга бўлган садоқат, шунингдек, унинг оилапарварлиги ва яқинларига бўлган меҳри бу ажойиб инсонни комилликка етганлигини ифода эта олади.

қаторида бўлиб, шу касбнинг сирини синоатларини шогирдларга ўргатиб, ҳозирда ҳам қимматли маслаҳатларни, кўрсатмаларни билан эл назарига тушиб келмоқдалар.

70 йил-а, айтишга осон. Шунча вақт ичида соҳа ходими тирик қомусга айланиб кетаркан. Бу даврда қаҳрамонимиз нималарга гувоҳ бўлмади дейсиз...

**БОЛАЛИКДАН  
ТИББИЁТГА МЕХР**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Вврачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика Маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди, Республикада аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга ошириш борасида фаол ва фидокорона меҳнат қилаётган олий тоифали соғлиқни сақлаш таъкилотчиси Яркулов Аҳрор Баҳромович Навоий вилоятининг Хатирчи туманида таваллуд топди. Болалиқдаги орзуси ушалаиб, 1967 йил Самарқанд давлат тиббиёт институти талабалигига қабул қилинди ва 1973 йил институтининг даволаш факультетини муваффақиятли тугатиб, шифокор деган номга сазовор бўлди. У илк меҳнат фаолиятини 1973 йил Термиз шаҳридаги 1-сон вилоят касалхонасидан бошлаган ва 1984 йилгача Сур-

**Адхам ИКРАМОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

Аҳрор Баҳромович, ўта оқибатли, таъсирчан инсон. Ҳар қандай лавозимда ана шундай зиёли одамлар ишлаши керак. Бошқарма бошлиғи бўладими, ҳоким бўладими, завод раҳбари ёки уюшма раиси бўладими, Аҳрор Баҳромовичдек, асл касб эгаси, тафаккури кенг ва айни пайтда халқларвар одамлардан тайинланиши керак...



Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлаган вақтларимда, Аҳрор Баҳромович ўз лавозимида ишлаб туриб, репродуктив саломатлик бўйича вазирликда ташкил этилган штабда раҳбарлик вазифасини ҳам бажариб, ўзининг талабчанлиги, ҳақиқатгўйлиги ва масъулияти билан барчамизнинг қалбимиздан чуқур ўрин олди.

хондарё вилояти онкология диспансери онколог врачлари, вилоят онкология диспансери торакал бўлими мудири, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудири ўринбосари ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаол юритди. Навоий вилоят ҳокимлигида илм-фан ва ўқув юртлари бўлими (1984-1985), Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитети илм-фан ва ўқув юртлари бўлими (1985-1988) етакчи мутахассислари вазифаларида, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (1988-1992), Ўзбекистон Республикаси

**Анвар АЛИМОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган эндокринология  
илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

Аҳрор Баҳромович нафақат йирик ташкилотчи, ўта билимли, юқори маданиятли, кенг тафаккурга эга бўлган инсон, балки ўзига хос одамгарчиликка эга. Ўзгалар манфаатини ўзиникидан юқори қўядиган, ўзгалар дардини ўзиникидан чуқурроқ ҳис қиладиган Аҳрор Баҳромович Республикаимизнинг энг ноёб соҳа мутахассиси, десам адашмайман.



Самимий инсоннинг ўтган фаолиятига назар ташласак, муваффақиятга эришган ишларнинг санаб-саноғига етолмаймиз...

бўлими ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) Педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигидаги перинатал патология ва гўдақлар ўлимини камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар маъқулланиб, Қозғистон ва Урта Осиё Республикаларига ижобий таъриба иши сифатида тавсия қилинган.

**ТИББИЁТГА  
БАХШИДА УМР**

Аҳрор Баҳромович ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуқлиги, ўзи танлаган шифокорлик касбининг устаси бўлганлиги, шахс сифатида шаклланиб, Республикаимиз тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон кўйдиришга, эзгу фоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятини намойиш қилаётганлиги, яъни баркамоллиги билан ажралаб туради. У 1990 йил Бухоро давлат тиббиёт институтининг очиллиши ва Абу Али Ибн Сино номини берилишида асосий ташкилотчиларидан бири ҳисобланади.

Вазир ўринбосари лавозимида фаолият юритган даврда қатор миллий дастурларни ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этди. 1997 ва 2001 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги Республика скрининг маркази, Нукус, Қарши, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Наманган, Термиз ва Фарғона шаҳарларида вилоят скрининг марказларини, шунингдек, Қарши,



Ҳар бир фарзандни ота-она дунёга келтиради... Бугун фарзандининг меҳнати эътирофларга муносиб бўлганлигини Рисолат аяга кўриш насиб этмаган бўлса-да, Баҳром ота Аҳрор Яркуловни комилликка эришганини кўрди. Отаҳон ва онаҳонимизни ётган жойлари жаннатда бўлсин.

Наманган ва Жиззах шаҳарларида Акушерлик ва Гинекология илмий-тектириш институти филиалларининг очилиши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши салмоқли ҳисса қўшди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудда умумий ўлим кўрсаткичи 1,7 баробарга, оналар ўлими 2,1 га, гўдақлар ўлими 1,8 га, болаларни ўткир ичак инфекциялари, ўткир вирусли гепатитлар билан касалланиш 4,2 баробарга камайтирилди. 1995 йилдан бери полиомиелит касаллиги, 2000 йилдан бошлаб эса бўғма касаллиги

Бишкек, Қирғизистон – 1996 йил; Алма-ата, Қозғистон – 1995-1996 йиллар; Ашхобод, Туркманистон – 1996 йил; Боку, Озарбайжон – 1998 йил) маърузалар билан чиқишлар қилди.

**ТАШАББУС, ИМКОНИЯТ ВА  
ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ**

Аҳрор Яркуловни бевосита иштирокида марказ биноси реконструкция қилинди, замонавий техника ва компьютер қурilmалари билан жиҳозланди, коммуникация тармоқлари, уларнинг дастурий таъминоти яратилди ва тақомиллаштирилди. Яратилган ахборот тизими учун Интеллектуал мулк Агентлигининг 12 та муаллифлик гувоҳномалари олинди.

2011 йилда аттестациядан ўтказишнинг икки босқичли тизими, 2014 йилда эса онлайн режимида ҳужжат топшириш ва компьютер-тест синовини ўтказиш тизими амалиётга жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ҳамда Интеллектуал мулк Агентлигининг 2013 йил энг яхши интеллектуал мулк объекти "YANGI INTELLEKT-2013" конкурсида "Энг яхши дастурий маҳсулот" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди. Марказда яра-

**Раҳим МУҲАМАДИЕВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари  
доктори профессор:



1974 йил Москвадан қайтганимда, Термизда Аҳроржон онкология диспансерида, оиласи эса акушер-гинеколог сифатида роддомда ишлаётган экан.

Иккаласиям елиб-югуриб халқ хизматида ишлашганини ҳозир ҳам яхши эслайман. 5-6 йилдан кейин Аҳроржон Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини этиб тайинланди. Мазкур лавозимда ўзининг ҳалол меҳнати билан сурхон аҳолисининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. У ҳар қандай оғир ишларни бажариб, тезда ундайдиган чаққон, ноёб мутахассис сифатида эсимизда қолган. Аҳроржон ўша даврларда ҳатто вилоят микёсидаги йиғиллишларда айримлар кучувчи, гидротехника, энергетик мутахассис деб ўз тармоқларига ишга таклиф қилганларнинг би-ламиз ва ҳозиргача эса врач бўла туриб, бу соҳаларни қандай ўзлаштирган деб эслаб юраемиз.

Сурхондарёда кейин Навоий, Бухоро вилоятлари, Москва шаҳри ва Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлаб юрган кезларида ҳам ҳеч қачон Сурхондарёни эсдан чиқарган эмас. Кимнинг қачон йули шу жойларга тушса хабар топса, албатта меҳмон қилиб, ишларини бажариб бериб ҳамон инсонларнинг қалбида ўғил бўлса Аҳрор бўлсиндек деган ақида ҳам элимиз орасида юради.

Азиз қалрдоним, Сизни 70 йиллик кутлуғ ёшингиз билан самимий қутлайман.

**Алишер ШАДМАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири:

Раҳбар кишида туғма истеъдод бўлса, у вазифасини талаб даражасида мукамал бажариши учун тинмай ўқиб ўрганади. Аҳрор Баҳромович, ана шундай комил инсонлардан биридир. У кишининг тизим фаолиятига қўшган ҳиссасини юқори баҳолайман. Ҳақиқатан ҳам оддий шифокорликдан вазир муовини вазифасигача фаолият юритиб, эл назарига сазовор бўлди.



Агар Аҳрор Баҳромовичнинг кўп йиллар давомидаги маъсулли фаолиятига эътибор қаратсак, у инсондаги эзгу фази-латларни санаб адоғига ета олмаيمиз. Ҳамон бир сафда ишлар эканмиз, улардаги куч-қувват ва матонат барчамизга ибрат бўлишини истаб қоламан.

умуман қайд қилинмаган. Англия, Германия, Голландия, Россия ва Украина мамлакатларида бир неча бор малака ва таърибасини оширган. Жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатларида хизмат сафарига бўлиб, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа Регионал Бюроси йиғилишида (Копенгаген, Дания 1996 йил) ҳамраислик қилди. Халқаро анжуманларда (Истамбул, Туркия – 1992 йил; Женева, Швейцария – 1992 йил; Анкара, Истамбул, Туркия – 1994 йил; Валетта, Мальта – 1995 йил; Палермо, Италия-1995 йил;

тилган алгоритмлар ва дастурий воситалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви Академияси ва ТАТУ ҳузуридаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари ўқув марказида амалиётга жорий этилди. Марказда яратилган ахборот тизими ва дастурлардан Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини талабаларни магистрлик диссертацияларини ёқашда фойдаланилди.

(Давоми 4-бетда).



# КОМИЛ ИНСОННИ КОИНОТДАН ИЗЛАМАНГ у бизнинг фахримиз, замондошимиз



**Ноила МИРЗАЕВА,**  
турмуш ўртоғи, акушер-гинеколог:

– Мен учун 55 йил тарих зарварақларига битилган олтин саҳифалардир. Аҳрор Баҳромович билан бир мактабда, бир партада ўтириб, таълим олдик. Мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, иккаламиз бирга Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирдик. Шу тариқа тақдиримиз боғланди. Ҳаммининг ҳаваси келадиган оила кўргонини кўрдик. 2 нафар фарзандимизни вояга етказиб, уларни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияладик. 5 нафар шириндан-шакар набираларимизнинг бобожониси ва бувжониси бўлиб юрибмиз. Энди фаолиятимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсам, Аҳрор Баҳромовичнинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларига ҳамнафас бўлиб, доим бир-биримизга елкадош бўлдик. Машаққатли меҳнатларимиз орқасидан ҳурмат топдик. Аҳрор Баҳромович ниҳоятда меҳнатсевар, оиламиз, укалари, сингиллари, қолаверса, барча яқинларига меҳрибон инсон.

Сог'лиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича "Саломатлик-3" лойиҳасининг халқаро маслаҳатчиси Доктор Роберто Б. Гутьеррес Ортега томонидан марказда яратилган ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятига юксак баҳо берилди. Муаллифлик ҳуқуқларига олинган гувоҳно-

казда ишловчи мутахассислар, ҳамда барча шифокорлар эҳтиёжлари кўпроқ ташвишга соладди.

## ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ БАРЧАГА ЎРНАК

Аҳрор Баҳромович инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблайди, муомала-муноса-

“Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янги ташкилий шакллари самарадорлигини тиббий-ижтимоий баҳолаш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1998 йили муваффақиятли ёқлаган.

Маҳаллий матбуот ва чет эл нашрларида тиббиётга оид 60 дан ортиқ илмий мақолалари chop

**Ўқтам, Шухрат ва Алишер ЯРКУЛОВ,**  
укалари:



– Биз укалар акамиз Аҳрор Баҳромович билан ҳақли равишда фахрланамиз. Онажонимиз 8 фарзандни дунёга келтириб, афсуски 44 ёшларида эрта оламдан кўз юмдилар. Бу оила аъзоларимиз учун катта йўқотиш бўлди. Бизни вояга етишимизда, ўқимизи бўлишимизда ва оиладан ўз бахтимизни топиб кетишда акажонимизни хизматлари катта. Акамиз онажонимизни ўрнини билдирмасдан қалбимизга йўл топиб, дадажонимиз билан ҳар бир ишимизда бош-қош бўлдилар.

– Қадрли акам Аҳрор Баҳромович менга гўдақлик чоғимдаёқ руҳшунос бўлган «ўғил бола, йигит киши ўзини қандай тутиш кераклигини, инсон ўзига бўлган ишончини оширишда ҳарбийларга хос бўлган барча фазилатларини шаклланишида, оила, Ватанга садоқат ва келажакда ҳарбий офицер бўлишимга муносиб ҳисса қўшганлар, – дейди Алишер.



**Камила, Сайёра, Насиба ва Лола ЯРКУЛОВА,**  
сингиллари:



– Ҳаётимизда тоғдек суяنجимиз, бебаҳо давлатимиз

акамиз борлигидан фахрланамиз.

Онамиздан эрта айрилгач, кўп ҳаёт синовларига дуч келдик. Оғир кунларда отамиз билан акамиз Аҳрор Баҳромович ҳар биримизнинг тарбиямизга, ўқишимизга катта эътибор билан қарадилар, бизга суяنجик бўлдилар. Ойлар-йиллар ўтиб, акажонимизнинг саъй-ҳаракатлари билан 7 нафар ака-сингиллар улгайиб, ҳаётда ўз ўрнимизни, свиммили касби-мизнинг эгаси бўлдик. Буларнинг барчасида акамиз ва келинонимиз Ноила Соҳибовна-



ларнинг бекиёс хизматлари катта бўлди.



Акажоним аввало, ўз касбини жондан севган ва ҳар биримизга тоғдек қалқон бўлган бошимиздаги давлатимиздир. Опа-сингиллар акамизнинг ҳалол меҳнатларини қадрлаб, доим таъзимдамиз.

Акажонимни 70 йиллик юбилейлари билан самимий қўтлаймиз. Уларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, мустаҳкам соғлиқ, ишларида эса улкан зафарлар тилаб, келиноним Ноила Соҳибовна билан қўша қариб, фарзандлари ва набиралари камолини кўриб юришларини истаб қоламиз.

– Онам вафот этганларида 4 ёшда эдим, – дея эслайди Лола Баҳромовна кўзларига ёш олиб. – Акам мени ўз оиласига қабул қилиб, фарзандлари қатори улгайтirdи. Акажонимнинг берган таълим-тарбиялари туфайли талаба деган номга эга бўлдим. Севган касбининг моҳир устасига айландим.

малар, ишлаб чиқилган Ягона маълумотлар реестри, давр тақозоси деб тан олинган интерфаол хизматлар, хужжатларни масофадан топшириш, он-лайн режимидаги компьютер-тест синовлари, мультимедияли тест дастурларининг амалиётга жорий этилиши – жаҳон стандартларига мос келишига ва кўпгина бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика Маркази олдида турган ҳар қандай жиддий муаммо, қийинчилик ва таҳдидларни сеза билди, Марказ манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган нуқтаи назарларни қўлади. Уни кўпроқ Марказ келажаги, унинг кўрсаткичлари, натижалари ва ўз манфаатларидан кўра Мар-

батда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймайди, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлади, меҳр-мурувватли, гамхўр, саҳий, кенг феълли бағрикенг инсон.

Аҳрор Яркулов ўта соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу-умидлар билан яшайдиган, қадрли инсон (феноменал). Ўзининг касбий фаолиятида ўта меҳнатсеварлиги, масъулиятни ҳис қилиши, ички ижро интизоми ва ўзини назорат қила билиши билан халққа, жумладан тиббиёт жонқуярларига танилган, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган тиббиёт амалиётчиси ва машҳур ташкилотчиси, илм-фан вакилидир.

Таниқли ташкилотчи илм-фан соҳасида ҳам фаолият юритиб



этилган. Олим руҳият, хасталик ва саломатлик муаммолари мавзусида ёзилган "Англаш ҳикмати" номи илмий-маънавий китобнинг ҳаммуаллифи. 2006 йилдан "Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени" илмий-амалий тиббиёт журнали ва 2016 йилдан "Сиҳат-саломатлик" ойлик илмий-оммабоп журнали таҳрир ҳайъати аъзоси.



**Бахтиёр ЯРКУЛОВ,**  
ўғли,  
Сурайё ЯРКУЛОВА,  
кизи:

миздан қувонядиган, кези келганда ҳар биримиз учун жонини фидо қилишгача тайёр инсондир. Биз ота-онаимизнинг касблари билан фахрланамиз. Чунки, улар доим халқ орасида бўлиб, уларнинг дардига дармон, ҳатто ҳаловатидан кечиб бўлса ҳам масъулиятли вазифасини сийдиқидан астойдил бажариб келишган. Отажонимиз Аҳрор Баҳромович ханузгача касбларига садоқат билан ёндашиб, соғлиқни сақлаш соҳасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Эътироф билан айтмоқчимизки, дадажонимиз кутлуг ёшни қарши олган бўлсаларда ҳамон қалбларидан меҳнат завқи уфуриб тура-



ди. Бирор марта ишдан чарчаганларини эслай олмаимиз. Аксинча, бор меҳр-эътиборларини севган касбларидан айро тутмайдилар.


Ота-онаимизни борлиги давлатимиз, бахтимиз, гуруримиз, фахримиз, қувончимиз энг асосий олий бахтимиздир.

(Давоми 5-бетда).



# КОМИЛ ИНСОННИ КОИНОТДАН ИЗЛАМАНГ

## у бизнинг фахримиз ва замондошимиз



### Ишмўмин ШАМАЕВ, тиббиёт фахрийси: (Сурхондарё вилояти).

– Мен Аҳрор Баҳромовични Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўқиб юрган пайтимда курсдошим Аҳад Аҳмедовнинг уйига меҳмон бўлиб борганимиздан бери танийман. Аҳрор Баҳромовични 1972 йил Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини битириб Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига ишга келганидан бери яхши биламан. Интернатурани тугатганидан кейин Сурхондарё вилоят онкология диспансерининг химия терапия бўлимида бўлим бошлиғи бўлиб фаолият бошлади. Етук мутахассис қисқа вақт ичида Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида билимдон врач, ўта маданиятли инсон сифатида танилди. 1979 йили Аҳрор Баҳромович вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига умумий ишлар бўйича ўринбосар вазифасига тайинланди. Талабчан, ташаббускор мутахассис ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, тиббиёт муассасаларини қурилиши, кадрлар масаласи, дори-дармон ишлари, шунингдек, бирламчи тизим фаолиятига катта эътибор қаратиб, самарали ишларини амалга оширди. Унинг меҳнатсеварлиги, қатикўллиги ва ташаббускорлигини инobatга олган раҳбарият 1981 йилда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг даволаш ишлари бўйича биринчи ўринбосари лавозининг мига лойиқ деб топди. Бу вазифада Аҳрор Баҳромович ўша пайтларда болалар ўлимини камайтириш Сурхондарё вилояти аҳолисининг соғлиғини сақлаш мақсадида ҳар битта туман касалхоналарига шахсан ўзи малакали соҳа мутахассислари олиб бориб, ўша туман аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатар эди. Таъкидлашим лозимки, Аҳрор Баҳромович қайси вазифада бўлмасин ўта масъулятли куну тун ишлаб, кези келганда овқатланиш вақтини ҳам унутиб қўяр эди. У кишига ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ оддий инсон ёки раҳбар бўлсин ўзига яқин олиб қўлидан келганча яхшилик қилишга урунади. Қисқа қилиб айтганда, Сурхондарё халқи Аҳрор Баҳромовични Сурхондарё элининг ўғлини деб билишади. Фурсатдан фойдаланиб, Аҳрор Яркуловни қўтлуг ёши билан табриклаб, янада куч-қувватга тўлиб юришини тилаб қоламан.

мига лойиқ деб топди. Бу вазифада Аҳрор Баҳромович ўша пайтларда болалар ўлимини камайтириш Сурхондарё вилояти аҳолисининг соғлиғини сақлаш мақсадида ҳар битта туман касалхоналарига шахсан ўзи малакали соҳа мутахассислари олиб бориб, ўша туман аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатар эди. Таъкидлашим лозимки, Аҳрор Баҳромович қайси вазифада бўлмасин ўта масъулятли куну тун ишлаб, кези келганда овқатланиш вақтини ҳам унутиб қўяр эди. У кишига ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ оддий инсон ёки раҳбар бўлсин ўзига яқин олиб қўлидан келганча яхшилик қилишга урунади. Қисқа қилиб айтганда, Сурхондарё халқи Аҳрор Баҳромовични Сурхондарё элининг ўғлини деб билишади. Фурсатдан фойдаланиб, Аҳрор Яркуловни қўтлуг ёши билан табриклаб, янада куч-қувватга тўлиб юришини тилаб қоламан.

### Шавкат НАРЗИЕВ, Бухоро вилоят Гиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ташкिलий-услубий бўлими мудири:

1989 йил январь ойида эрталаб Гиждувон туман марказий шифохонасига ишга келсам Аҳрор Яркулов муассаса ҳудудида юрибдилар. Мен меҳнат таътилида эдим. У киши бизга раҳбар этиб тайинланган эканлар. Олдиндан кўнгирик қилиб мени кутиб ол деб огоҳлантирмасдан келишларидан у кишининг камтарлиги ва ишга шундай ёндашиши менга жуда ёқди. Биринчи учрашувда оддийгина кўринсаларда, худди сувни юзи сокин кўринаётган асов дарёнинг тағида шиддат ва галаён оққани каби. Аҳрор Баҳромовичнинг қалби пок, серқирра билими, кенг тафаккурли, маҳоратли ташкилотчи, эли ва юртини жондан ортик сезувчи мард, ҳар қандай ҳолатда ҳам мансабини ўйламасдан ҳақиқатни айтувчи доворак инсон эканлигини дарёга қиёсладим ва мен бунинг бирга ишлаб уч ярим йил давомида тақдор ва тақдор гувоҳи бўлдим.

Аҳрор Баҳромович кераксиз, мақсадсиз йиғилишлар қўлмас эдилар, ҳар қандай мураккаб масалани ечишни энг қалта ва осон йўлини ўйлаб, топширик бердилар. Бу кишининг юксак билим, тафаккури ва истеводининг белгиси ҳисобланади. Шунингдек, кенг тиббий илм билан бир қаторда тарихий, бадий билимларни жуда пухта эгаллаган ва ҳикматларни маърузаларда ўз ўрнида ишлатиши бизни ҳайратга солар эди. Ойлар, йиллар ўтиб, Аҳрор Баҳромовичнинг вазирликка ишга ўтганларига ҳам 28 йил бўлибди. Бухоролик шифокорлар у кишини ҳурмат билан тилга олишади, давраларда эслганда ажойиб инсон ўғрсисида фикр билдиришда фикрлар уйғунлашиб кетади. Менимча бу инсоннинг ва раҳбарнинг меҳнат фаолиятига берилган юксак баҳо ҳисобланади.

Менинг битта армоним бор. Аҳрор Баҳромович билан биргаликда узок вақт ишлай олмамиз ва шу қисқа фурсат ичида камтар инсондан кўп нарсани ўрганишга эришимиз. Аҳрор Яркуловнинг босиб ўтган йўли ҳозирги ёш шифокорлар учун ибрат мактаби ҳисобланади.

Менимча шундай йўл комилликка интилиш йўли ҳисобланади, бу йўл эса саодат йўлидир. **“Аҳиб саодат эрур, яхшилик ила қолса ном”, деган эди ҳазрат Навоий.** Аҳрор Баҳромовични қўтлуг ёшлари билан самимий қўтлаб қоламан.

### Шавкат МАВЛЯНОВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти болалар кафедраси доценти:

– Аҳрор Яркулов тўғрисида ўз фикрларингизни билдирсангиз деб менга мурожаат этганларидан уйланиб қолдим. Чунки таниқли, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган шахсга муносиб фикрларни баён этиш мураккаб ва ўта масъулятли вазифа эканлигини чуқур ҳис этдим. Лекин студентлик даврларимизда мустаҳкам билим олиб, яхши касб эгаллашга интилишни асосий мақсад қилиб олган, жисмоний бақувват, фаол йигитни эслганим менга далда бергандай бўлди. Институти муваффақиятли тугатгач, ёш мутахассис Аҳрор Баҳромович Сурхондарё вилоятига ишга юборилди. Ҳозирги меҳнатсеварлиги, билими ва зукколиги туфайли меҳнат жамоаси ва раҳбарият эътиборига сазовор бўлди. Аҳрор тез орада бўлим мудири, бош врач ўринбосари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимига қўтарилиб, самарали ташкилотчилик қобилиятини намоян этди. Ташкилотчиликнинг илмий асосларини ўрганиб, илгор тажрибалар билан танишган Аҳрор Баҳромович раҳбарлик кўникмаларини пухта эгаллаб юртимизга қайтди. Бу ерда бир неча қаторлик лавозимларида самарали ишларни амалга оширди. Шу жумладан, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритиб, ушбу ҳудудлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда астойдил меҳнат қилиб, тизимда ижобий натижаларга эришди.

Бой ташкилотчилик тажрибасига эга, иқтидорли раҳбар, замонавий ривожланиш тенденцияларини чуқур ҳис этадиган етук мутахассис Аҳрор Яркулов бундай вазифалар ижросини шубҳасиз таъминлай оладиган шахс сифатида вазир ўринбосари лавозимига тайинланди. Ҳукуратимиз қарорларига асосан, вазирликнинг буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида, тажрибали мутахассис раҳбарлигида республикамизнинг юқори малакали мутахассислари, олимлар шаҳар, қишлоқларга чиқиб, кечаю-кундуз бирламчи тизимдаги тиббиёт муассасаларида бўлиб, ҳақиқий вазиятни жойида ўрганиб, тиббий хизматни яхшилаш учун ҳам амалий, ҳам ташкилий ишларни маҳаллий тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Бино ташқарисига чиққанимда ҳамкасблар суҳбатини эшитиб қолдим: “Организмни аямай ашаддий меҳнат қилиш соғлиқ учун зарар бўлса керак” – деди биров. “Айримлар ўз касалигини атрофидоғларига юқтира олади, бу хасталикнинг номи – **“ТРУДОГОЛИЗМ”**, жамиятга фойда берадиган касаллик” – деб жавоб берди суҳбатдошим. Бу гап кадрдон курсдошим Аҳрор Баҳромовичга тегишли эди.

Дўстимиз ҳозир ҳам кучга тўла, сергайрат, самарали меҳнат қилиб келмоқда. 70 йиллик юбилей муборак бўлсин! Яна кўп йиллар давомида биргаликда фаол ҳаёт кечириб фарзандлар ва набиралар камолини кўриб, хурсанд бўлиб юрсинлар.



### Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти, халқаро Бобур мукофоти совриндори:

Мен ҳаётда ҳар доим акам бўлишини орзу қилганман. Аммо биз ота-онадан бир ўғил икки қиз эдик. Парвардигор менга 1976 йилда орзу қилган акамни берди. Мен ўшанда Сурхондарё театрида фаолият юритардим. Шу йили Саросиёга ҳамкасбимиз Амрулло Нарзуллаевнинг тўйига ташриф буюриб эртасига Термизга қайтаётганда Аҳрор ака билан танишганмиз. Билимли, дунёқарши кенг, адабий ва санъатдан хабардор бўлган бу инсон ўшанда менга катта таассурот қолдирган. Мен орадан бир неча вақт ўтган Аҳрор акани сеvimли ёзувчимиз Саид Аҳмадни “Уфқ” романи асосида яратилган спектаклга таклиф қилдим. Шу-шу Аҳрор ака театримизни энг яқин дўстига айланди. Театр репертуаридаги барча премьерасига оиласи билан келиши қанда қилмасди. Бизни қадирдонлигимиз шу даражага етди-ки, биз оиламиз билан ёзда гастролга кетадиган бўлсак, иккала фарзандимизни ҳеч тортинмасдан Ноилоҳонга қолдириб кетадиган бўлдик. Шу тарзда фарзандларимиз Жаҳонгир ва Сардорбек, Аҳрор акамни фарзандлари Бахтиёр ва Сурайёхон билан бирга катта бўлишди. Тақдир тақозоси билан орадан йиллар ўтиб иккаламиз ҳам Тўққентга ишга таклиф этилдик ва дўстлигимиз давом этди. Мана 45 йилдирки, Аҳрор акам ва Ноилоҳон билан оилавий кадрдонмиз. Улар ҳар бир ишда менинг маслаҳаттўйим. У кишининг дадалари Баҳром ака жуда ажойиб инсон эдилар. Мен уларнинг хонадони Хатирчи туманида кўп маротаба бўлиб, отахон билан сермазун суҳбатда бўлганман. Ўтган йили 2 декабрда, бетеб бўлиб қолдим, бир ярим сутка шифокорлар ташхис кўя олишмади. Охири Аҳрор акамга кўнгирак қилдим, аввалло ухшигана койдиллар, кейин шифокор жўна-тиб, ташхисини аниқлаб, зудлик билан операция жараёнини амалга оширишни айтдилар, ССВнинг бош хиррурги Миржамол ака биринчи Республика клиник шифохонасининг бош врач ўринбосари Аслидин акалар амалиётни муваффақиятли амалга оширдилар. Айтишим мумкинки, аввалло парвардигор ва албатта том маънода Аҳрор акам халоскорим бўлдилар.

Аҳрор Баҳромовични қўтлуг ёшлари билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Ноилоҳон билан қўша қариб фарзандлари, набиралари ва ақинлари бахтига ҳамisha омон бўлсинлар.

### Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Амманнинг қизи тақдир тақозоси билан Термизга келин бўлиб тушган эди. Уларнинг фарзандлари тўйида Аҳрор Баҳромович билан танишиб, ака-ўка киришдик.

Аҳрор Баҳромович, сизни қўтлуг ёшингиз билан табриклашдан бахтиёрман. Ушбу шеърим сизга аталгандай:

Дўстим, дунё керак эмас, давлатингдан,  
Манфаат ҳам изламасан савлатингдан.  
Илинсанг бас, бироз меҳру ҳайратингдан,  
Тушунсанг бас, мен дунёга сизмаганда.

Бир замонда яшамоклик бахданмикан,  
Дилнинг дилга пайвандлиги шахданмикан,  
“Қиёматлик дўст” дегани аҳданмикан,  
Бир сўз малҳам агёр қалбни тилгаганда.

Кимлар ошно бўлмас умр сўмоғида,  
Тобланади дўстлик тақдир тўқмоғида,  
Дўст номини кўзга суртиб ўлмоғида,  
Пайғамбардек ортидан ҳам сизлаганда.

Муслимбекка истаганча пул топилар,  
Саҳналар кўп, муҳлислар ҳам гул топилар,  
Ким айтади, дўст истаганг мўл топилар?  
Дўст топилмас хоҳиш билан излаганда.

Дўстим, дунё керак эмас давлатингдан,  
Илин бироз меҳру, бир оз хайратингдан,  
Сен менга кел, менам қолмасан ортингдан,  
Тополмасмиз, кейин “дўст” деб бўзлаганда.

Агар эътирофлар кетма-кетлигини давом эттирсак,  
Бугунги қаҳрамонимиз тиббиёт фанлари номзоди Аҳрор Яркуловнинг ибратли фаолияти зарҳал ҳарфлар билан битилган катта китобга айланади.

1, 3, 4, 5-саҳифа материалларини  
ИБОДАТ СОАТОВА ва НАМОЗ ТОЛИПОВ тайёрлади.



Ўтганлар ёди унутилмайди

# ВАТАН ҲИМОЯСИ ҚАЛЬДАГИ ФУРУР!

**Мен бу одам ҳақида авваллари кўп эшитган бўлсам ҳам, шахсан танишиб, ҳамсухбат бўлмаган эдим. Тасодифни қарангки, нуфузли бир анжуманда у билан танишиб, бафуржа гаплашдик. Худди аввалдан келишгандек, учрашувимиз 22 июнь – уруш бошланган санага тўғри келибди. Табиийки, суҳбатимиз шу мавзудан бошланди.**

– Айтинг-чи, Абдулла Умарович, – дедим суҳбатдошимни гапга солиб, – 1941 йилнинг 22 июнь кунни сиз қаерда эдингиз? У суҳбатимизнинг бирданга бундай нохуш воқеадан бошланишини кутмаган экан шекилли, юзи тундлашиб, биров ўйланиб қолди. Назаримда у хаёлан ўша муҳдиш кунда кўрган-кечирганларини бирма-бир кўз олдига келтирдди. У гапни бир оз узокроқдан бошлади.

– Мен 1940 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатганимдан сўнг таксимот бўйича Қашқадарь вилоятининг Кичик туманидаги кишлоқ врачлик участкасида врач бўлиб ишлардим. Қабулхонада бир кекса беморнинг қон босимини ўлчаб турсам, хонага ҳовлиқиб ҳамшира кириб қолди. У жуда қаттиқ ҳаяжонда, кўзлари жиққа ёш эди.

– Нима гап, тинчликми? – дедим, пиқ-пиқ йиғлаб:

– Уруш бошланибди! – деди.

– Уруш! Қанақа уруш? – ўрнидан туриб кетдим.

– Фашистар уртимизга бостириб кириштипти!

– Бу совуқ хабарни сизга ким айтди? Қаердан эшитдингиз?

– Колхоз идораси олдидagi радио карнайидан. Москвадан шундай хабар келибди. Идора олдида тумонат одам йиғилганмиш. Йиғи-сиғи бўлаётганмиш.

Мен бу нохуш хабардан хангманг бўлиб қолдим. Бу урушдан кўрққаним учун эмас, балки тўсатдан эл-юрт бошига ёғилган ғам-ташвиш туфайли унинг тақдирига шериклигим, бурч ва

масъулиятимни чуқурроқ англаганим аломати эди. Бейхитёр ўзим билан гаплаша бошладим:

“Сен Ватанингни ҳимоя қилишга тайёрмисан?” Ич-ичимдан вулқондек отилиб гурур-ифтихор билан мағрур ва жарангдор садо келди: “Албатта тайёрман! Эл-юртим буюрса, ҳозирок кўлимга қурол олиб, Ватан Ҳимоясига отланаман! “Ота-онанг қари бўлса, уларни кимга ташлаб кетасан? Бунинг устига уйланишинг керак. Тўй тараддуди кўриб қўйилган”. “Ота-онам ўз уйи, ўлан тўшагида. Қолаверса, уларнинг тинчилиги, осойишталигини сақлаш менинг йиғитлик бурчим. Тўй бўлса қочмас”.

– Тинчликми ўғлим, нима гап? – Хаёлимни бузди қабулхонада ўтирган киши безовталаниб. Шундагина қаршимда бемор ва бошини маънос эгиб турган ҳамшира борлиги эсимга тушди.

– Яши бўлмади! – дедим жойимга ўтирар эканман, ҳамширага топшириб бериб, – шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш кутисини қараб кўйсангиз. Нима бор-йўқлигини аниқлаб, тўлдириг. Қолгани кейин гаплашамиз.

Шундай қилиб, жангга сафарбарлик бошланди. Лавҳамиз қаҳрамони дўхтир Абдулла Ибодов ҳам 1941 йилнинг октябрь ойида хизматга чақирилиб, ўз жанговар фаолиятини Жанубий фронтдаги 4-ўқчи дивизиянинг 220-ўқчи полкида кичик врачлик бўлимида бошлади. Унинг ўрни энг олдинги марра, яъни жанггоҳ яқинидаги батальон тиббий пунктида ярадорларга бевосита врачлик ёрдамини кўрсатиш, уларни кейинги босқичга тезроқ узатишни ташкил қилишдан иборат бўлди.

Абдулла Ибодовнинг билимдон, тиришқок, тадбиркор ва ташкилотчилиги дарров кўмондонликнинг назарига тушди. Шу боис, 1942 йилнинг февраль ойида уни шу дивизиянинг 55-тиббий-санитария батальонига ўтказишди. Орадан икки-уч ой ўтиб, малака ошириш курсини тугатган, 28 ва 44-Армиялар ихтиёридаги тиббий ёрдамини кучайтирувчи алоҳида ротанинг токсико-терапевтик гуруҳи бошлиғи этиб тайинланди. Шу тариқа Абдулла Ибодов уруш йиллари Жанубий, 1-Украина ва Белоруссия фронтлари таркибда Кавказни мудофаа қилиш, Брестни озод этиш, душмanning Шарқий Пруссиядаги мустаҳкам мудофаа ҳалқасини мардондор ёриб ўтиш, шунингдек, Гумбинен, Кенигсберг ва ниҳоят Берлин шаҳарларини олиш учун бўлган шиддатли жангларда фаол иштирок этди. Кўрсатган жасоратлари эвазига Олий Бош Кўмондоннинг бир эмас, бир неча ташаббуслари билан тақдирланди.

– 1944 йилда Белоруссия худудида бошланган машур Баграцион операцияси сира ёдимдан чиқмайди, – деди суҳбатдошим уруш воқеаларини эслаб. – Душман мудофаасини ёриб ўтиш учун қалин ўрмон ва чуқур ботқоқликларни кечиб лозим. Танасининг ярмигача сув, ботқоқда қолган жангчиларнинг кўнчилиги асосан бош ва кўкрак қисмларидан ярадор бўлишарди. Айни ёз кўеши ҳамма ёқни қиздириб, курт-кумурска, чивинлар кўпайган бир даврда шу тоифадаги ярадорларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни кучайтириш мақсадида бир неча врач-мутахассисларни армия госпиталига юборишди. Шулар қаторида менинг зиммамга бир ҳарбий фельдшер билан бирга шу атрофдаги кишлоқ кенгashi биносида 50 ўринли жойни хозирлаш, ярадорларни доволаш вазифаси топширилди. Биз маҳаллий аҳолининг

яқин ёрдами билан керакли ўринларни тахт қилиб, ярадорларни қабул қилиш, даволашга киришдик. Ярадорлар сони мўлжалдагидан ортик, 70-80 тага етган эди. Улар учун чодирларда яна қўшимча жойлар ташкил қилдик. Ярадорларнинг аҳоли ниҳоятда оғир, шошилинч жароҳли ёрдамига муҳтож бўлишини учун ҳам кечаси-ю кундузи қўлим-қўлимга тегмай, оёғи қуйган товукдек елиб-югуриб ҳамма ёзув-чизув ишларини ҳам қилишга ҳаракат қилардим. Ягона ёрдамчим ҳарбий фельдшер бўлса, ҳўжалик, ташкилий ишлардан ортмасди. Зиммамиздаги вазифаларни яхши бажариб, ярадорлар ҳаётини сақлаб қолишда кўрсатган жонбозлигимиз учун икковимиз “Кизил Юлдуз” ордени билан мукофотландик.

Галабани Берлинда кўтиб олган Абдулла Ибодов 1945 йилнинг кузида она юрти Тошкентга қайтиб келди ва жангларда орттирган тажриба, ташкилотчилик қобилиятини фуқаролар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга аямал сарфлади. У Тошкент шаҳар Юнусов тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудирини, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Наманган вилояти санитария-эпидемиология станцияси бош врачини, Республика санитария маорифи уйи бошлиғини, Республика Қизил хоч ва ярим ой жамяти Марказий Қўмитаси раиси лавозимларида самарали ишлаб, халқ соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш

– Урушнинг номи ўчинси! – деганди у суҳбатимизга яқун ясаб. – Унинг яхшиси бўлмайди. Бошимизга қанча қулфат, ташвиш келтирди. Биз республикамизнинг ҳозирги мустақиллиги шароитида тинч, осойишта кунларнинг қадрига еттишимиз, унинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаб, соғлом, ҳар томонлама етук, баркамол, фидойи инсонларни тарбиялашимиз лозим. Шундагина юртимизда тинчлик, осойишталик, фаровон ҳаёт бағиринор бўлади.

Искандар РАҲМОН,  
Қуроли Кучлар фахрийси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюмлари аъзоси.



тарзини ҳаётга жорий қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва бартафат этиш, меҳр-шафқат ҳамширалари, санитария постлари тайёрлаш борасида қизгин илмий, амалий ишлар олиб борди, эл-юртнинг иззат-ҳурмати, эътиборига сазовор бўлди.

Уруш ва меҳнат фахрийси, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, жанггоҳлардаги ва тинч меҳнат жабҳасидаги хизматлари учун ҳукуматимизнинг бир қатор орден ва медаллари, Фахрий ёрликлари билан тақдирланган Абдулла Умарович кейинчалик ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўлди.

## ТВОРИТЬ ДОБРО, ОКАЗЫВАТЬ ПОДДЕРЖКУ

**Сегодня весь мир столкнулся с ужасным злом и борется с пандемией коронавируса. К сожалению, инфекция COVID-19 распространяется и в нашей стране.**

Правительство всячески помогает уязвимым слоям населения, принимает дополнительные меры по стимулированию национальной экономики. Важным подспорьем в этом деле явился Указ Президента «О дополнительных мерах по поддержке населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии».

Аналогичные меры осуществляются и Агентством медико-социальных услуг при Министерстве здравоохранения, в ведении которого находятся дома-интернаты «Саховат» и «Мурувват». Здесь в уюте и тепле проживают лица пожилого возраста и инвалиды, взятые на государственное обеспечение. Как известно, эта категория населения считается группой риска, быстро переносящей заболевание. По-

этому деятельность этих медико-социальных учреждений требует особого внимания.

В сложной эпидемиологической ситуации, связанной с коронавирусом, в домах-интернатах «Саховат» и «Мурувват» проводится целевая работа по дальнейшему повышению бдительности и предотвращению распространения заболевания. Их деятельность организована на основе требований строгого карантинного режима и в целях обеспечения полного соблюдения правил сотрудниками Национальной гвардии организованы охранные службы на внешних и внутренних территориях. В отделениях и помещениях учреждения проводится дезинфекция в соответствии с установленными нормами.

При этом карантинный персонал и опекуны полностью обеспечены медицинскими масками, антисептическими и гигиеническими средствами. Для обеспече-



ния нужд подопечных полностью сформирован запас продуктов питания, медикаментов, а также одежды и мягкой мебели.

Сотрудники ежедневно измеряют температуру пребывающих, проверяют наличие симптомов заболеваний. Организовано приготовление блюд, богатых витаминами. Именно они способны повысить иммунитет подопечных.

Во всех учреждениях «Саховат» и «Мурувват» медицинс-

кие работники и представители соответствующих ответственных сфер проявляют заботу о здоровье всех и каждого. Они понимают, что COVID-19 является общечеловеческой проблемой и противостоят ей мы должны общими усилиями.

**Мухтархан ЗАЙРОВ,**  
руководитель пресс-службы Агентства медико-социальных услуг при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан.

## Коронавирусни ўлдирадиган ҳимоя воситаси ихтиро қилинди



**Исроиллик олимлар коронавирусни юқори ҳарорат ёрдамида йўқ қиладиган кўп маротабали юз ниқобини ихтиро қилишди. Бу ҳақда Спутник ўз манбасига таяниб хабар берди.**

Технион университети тадқиқот гуруҳи раҳбари, профессор Яира Эйн-Элининг таъкидлашича, коронавирусни йўқ қилиш учун атиги 30 дақиқа вақт керак бўлади. Ниқобда USB-порт мавжуд. У орқали смартфонни каби қувват манбаига уланса бўлади. Кейин ниқоб 70 даражагача исийди, бу эса коронавирусни йўқ қилиш имконини беради. Дезинфекциядан олдин ҳимоя воситасини ечиш керак, деб ёзади Спутник. Махсулотни ишлаб чиқариш муҳокама қилинмоқда. Унинг нархи стандарт ниқобнинг нарҳидан атиги 1 долларга қимматроқ бўлиши кутилимоқда.

Интернет хабарлари.



## Билмаганларимизни билиб оламиз

## КОРОНАВИРУС ВА СИЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

**Коронавируслар – вирусларнинг катта оиласи бўлиб, аксарияти инсонлар учун зарарсиздир. Уларнинг 4 та тури шомоллашга, 2 таси оғир ўпка хасталигига олиб келади (SARS va MERS). COVID-19 (2019 йилда пайдо бўлган Коронавирус хасталиги) деб номланган хасталик январь ойининг бошида Хитойда топилган ва коронавируслар оиласининг аъзоси сифатида аниқланган ва вируслар оиласидан келиб чиққан.**

Сил микобактерияси силга сабабчи бўлади. Бактерияни 1882 йил Роберт Кох очган, лекин бундан минг йиллар аввал силнинг тарихий далиллари борлиги исботланган.

**COVID-19 ва Силнинг ўхшаш тарафлари нимадан иборат?**

СИЛ – ҳаво томчи йўли орқали, яъни нафас олиш орқали одамларга юқади. Сил бацциллари 6 соатгача ҳавода қолиши мумкин, лекин уларнинг концентрацияси ҳаво ҳаракати (очик деразалар, яхши шамоллатиладиган жойлар) ва тўғридан-тўғри қуёш нури таъсири остида камаяди, яъни нобуд бўлади.

COVID-19 – йўталаётган одамдан ҳаво томчи йўли орқали нафас олиш маҳалида юқади ёки зарарланган нарсаларга қўл теккизилган ҳолатда юқтириб олинади. Бу вирус нафас йўллари зарарлайди.

**Асосий аломатлари**

Ланглик ва тана ҳароратининг кўтарилиши (иситма), йўтал ва баъзан пневмония ва кейинги босқичда нафас олиш қийинлашувидир.

Бугунги кунда шунга амин бўлдики, вирус зарарлаган юзларда бир неча соатгача яшashi мумкин, шунинг учун қўл теккан барча зарарланган сиртлардаги вирусларни барбод этиш мақсадида қўлни

ювиш ниҳоятда афзалдир. Шу сабабдан одамлар юз, оғиз, бурун ва кўзларига тегмасликлар керак, чунки улар инфекциянинг кириш нуқтаси ҳисобланади.

**COVID-19 ва Сил ўртасидаги асосий фарқ нимадан иборат? Энг катта фарқи – бошланғич тазлиги.** Сил аломатларини секин-асталик билан намойиш этади, яъни маълум бир вақт ичида ёки ҳафта, COVID-19 да эса аломатлар бир неча кун давомида намойиш бўлади.

COVID-19 аломатлари сил касаллигига ўхшаш бўлиши мумкин, ammo одатда аломатлар бошланганда тазлиқда фарқ бор. Агар сизда COVID-9 га ўхшаш энгил аломатлар бўлса, сил касаллигининг тўлиқ даволаш учун даволанишинингизни давом эттиришингиз муҳимдир.

Ҳозирги вақтда силга қарши дори-дармонлар сизнинг COVID-19 хавфини ошириши ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ. Сил касаллиги учун тестлар одатда балғамни сил бактериялари учун синдовдан ўтказишни ўз ичига олади. COVID-19 синовлари юқори нафас олиш назофаренгеал (бурунли) ютиш ёки балғамни текширишни талаб қилади.

**Аломатлар даври**  
**Сил ва COVID – 19 да аломатлар пайдо бўлиш даври қандай?**

Сил касаллиги одатда одамда

бактериялар бўлган вақтга эга, ammo одамда у яхши ва аломатлари йўқ. Силнинг латент инфекцияси бўлган одамлар юқумли эмас ва сил касаллигини бошқаларга юқтира олмайди. Сил касаллиги бактерияларини юқтирган киши: бир неча ҳафта ичида касал бўлиб қолиши мумкин (эҳтимол иммунитет заифлашганлиги сабабли); иммунитет заифлашганда ва касалликка қарши кураша олмайдиган бактерияларни кўп йиллар давомида олиб юргандан кейин касал бўлса; ёки юқтирса, лекин ҳеч қачон касал бўлмайди.

Ҳозирги вақтда COVID-19 аломатлари таъсир қилишдан 2-14 кун ўтган пайдо бўлиши мумкин.

**Сил ва COVID-19**

**\* Тарқалиши:**  
**\* Ҳаво-томчи орқали**  
**\* Ташхис: нима асос?**

Йўталаётганларга балғам тестлари қўлланилади. Аломатларга биноан бошқа тест ўтказилади. Ҳозирги кунда бурун безлар ва ёки балғам текшируви қўлланилмоқда.

**Патоген**

Сил микобактерия комплекси; Оғир ўткир респиратор согонавирус 2 синдроми (SARS-CoV-2).

**Юқиши**

Йил мобайнида фаол сил билан 1 та зарарланган бемор яқин контакт орқали 5-15 нафаргача инсонга юқтириши мумкин.

Ҳозирги пайтда ўртача ҳисобда 2.2 одам COVID-19 билан зарарланган.

**Олдини олиш**  
Инфекцион назорат қондаларига риоя қилиш орқали:  
Масофани ушлаш;  
Респиратор гигиенаси услубларини қўллаш;

Кўллари совун билан камида 20 сония мобайнида ювиш.

**Даво**

Сезувчан сил учун - 6 ой мобайнида 4 та антибиотик.

Дориларга чидамли ТБ - камида 4 та антибиотик 9-24 ой мобайнида.

Ҳозирча қўллаб-қувватловчи/аломатларни даволаш. Кўпгина дорилар устида илмий-изланиш ишлар олиб борилмоқда.

**Вакцина**

БЦЖ, туғилган болалар учун Илмий изланмоқда

**Мабодо сил касаллиги бўлган шахс COVID-19 юқтирса, қандай маслаҳат бера олаёиз?**

Агар COVID-19 билан зарарлансангиз, даволловчи шифокорингизга силга қарши давосини қабул қилаётганингиз ҳақида маълум қилинг. Шифокорингиз сил дорилари билан COVID-19 дориларининг бир-бирини таъсирини кесмасдан фойда бераётганлигига амин бўлиши лозим. Сил дориларини тўхтатмаслигингиз ва сил давосини ниҳоясига етказишингиз афзал. Бугунги кунда COVID-19 ни давоси топилмаган. Беморлар эса касалликни аломатларга қарши даво билан даволанишмоқда.

**– Мен сил касаллигидан халос бўлдим, COVID-19 юқтириш хавфи кўпроқми?**

COVID-19 жуда янги бўлгани сабабли, сил касаллиги билан оғриган ёки ундан олдин хасталикка дучор бўлганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Бироқ, COVID-19 ўпкага таъсир қилади ва одатда, сил касаллигидан кейин ўпкада қолган қолдиқ ўзгаришлар мавжуд бўлиб, бу сизда янада оғир COVID-19 ало-

матларини ривожланиш хавфини тугдириши мумкин. Қандай бўлмасин, бугунги кунда ҳар бир киши юқори хавфли муҳитга таъсир қилишни чеклаш ҳақида уйланиш керак.

Совун ва сув билан йўталганда ёки аксирганда қўлни мунтазам ювиш оғзингизни эгилган тирсагин (ҳар сафар 20 сония) ёки ёки тўқима билан ёпинг.

**– Мен COVID-19 ҳақида кўп ўқийман, тўғри ёки қалбаки маълумот ҳақида қандай биласан бўлади?**

COVID-19 – бу жуда янги ва биз ҳар куни буни қандай тарқалиши ва ундан ўзимизни қандай ҳимоя қилишимиз ҳақида янги нарсаларни ўрганмоқдамиз. Сиз ўқийётган ёки ўзгараётган маълумотни текширишингиз энг яхши усули – тўлиқ маълумотли ва текширилган веб-сайтларидир. Ишончли манба сифатида сиз “Соғлиқни сақлаш вазирлиги” расмий телеграмм каналларини кўриб чиқишингиз мумкин:

@koronavirusinfouz,  
@ssvuz, @uzsssgzt ва К.Р Соғлиқни сақлаш вазирлиги: @qrdsdm. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишонч телефони ҳам мавжуд: 1003; бундан ташқари, “Uzreport” ва “Uzbekistan-24” телеканалларига тегишли идоралар томонидан жамоатчиликни савол-жавоб ва интерфал баҳс-лашувлари асосида брифинглар намойиш этилади.

Наргиза Парпиева,  
Республика иختисослаштирилган пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор,  
Хасан Сафаров,  
Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи.



## Ислоҳот одимлари

## ШОФИРКОНДА ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти Шофиркон туманида 5 қаватли замонавий тиббиёт муассасаси қурилишига тамал тоши қўйилди.

Кўп тармоқли мазкур шифо маскани 260 ўринга мўлжалланган. Қурилиш ишларини вилоят ҳокимлиги хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида

тумандаги “Хўжа-ғулмоте” МЧЖ қурилиш-пудрат корхонаси қурувчилари амалга оширмоқда.

Шифо масканининг умумий қиймати 40 миллион 98 миллион сўм бўлиб, мазкур лойиҳа 2021 йилнинг декабрь ойида ишга тушади.

Зариф КОМИЛОВ.

## Назорат

## НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ҳудудида тезкор тадбир ўтказишди.

Тезкор тадбир давомида, пойтахтимиздаги автотурагоҳларнинг бирида фуқаро ў.А. бошқарувидаги “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди. Натижанда, автоловдаги 2 дона қутида умумий қиймати 242 425 000 сўмлик 2800 дона тиббиёт жарроҳлик буюмлари ва 7150 дона дори воситалари борлиги аниқланди. Тадбир давом эттирилиб, фуқаро ў.А. кўрсатмасига асосан, ушбу дори воситаларининг эгаси фуқаро А.Б. нинг яшаш манзили ҳолислар иштирокида кўздан

кечирилганида, хонадоннинг кириш қисмидаги йўлакда умумий қиймати 146 975 000 сўмлик, 2566 дона дори воситалари, 500 дона тиббиёт жарроҳлик буюмлари борлиги аниқланди. Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида умумий қиймати 389 400 000 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган ҳамда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган тиббиёт буюмлари ва дори воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

\* Яшаш хонадонда яширинча парвариланаётган “каннабис”лар фош бўлди.

Хоразм вилояти божхона бош-

қармаси ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда Урганч туманида тезкор тадбир ўтказишди. Тадбир давомида фуқаро Т.М.нинг яшаш хонадонини ўрнатилган тартибда ҳолислар иштирокида ва хизмат итлари ёрдамида кўздан кечирилди. Натижанда, ушбу шахснинг хонадонини боғида 2 туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги парвариллаб келинаётганлиги, уйда эса гиёҳванд моддалар истеъмол қилишда фойдаланилган 1 дона 0,5 литрлик елим идиш борлиги маълум бўлди ва ашёвий далил сифатида олинди. Яна бир ҳолатда мазкур туманда истиқомат қилувчи фуқаро В.Б.нинг яшаш хонадонини ўрнатилган тартибда назоратдан ўтказилди. Текширув натижаси-



да, фуқаро В.Б. томонидан ҳовлидаги ток тағида 2 туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги яширинча экилиб, парвариллаб келинаётганлиги аниқланди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан

тегишли органлар томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Ахборот хизмати.



## Юртимиз шифохоналарида

**СЎХЛИКЛАР КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ  
ХИЗМАТДАН МИННАТДОР**

**11 июнь кунидан буён Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан юқори малакага эга профессорлардан иборат ишчи гуруҳи Сўх туманида аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатмоқда.**



Гуруҳ таркибига хирург, акушер-гинеколог, кардиолог, невропатолог, педиатр, эндокринолог, терпевт, онколог, окулист, гастрэнтролог каби тор доирадаги мутахассислар киритилган бўлиб, улар айни пайда режа асоси-

да тумандаги қишлоқ оилавий поликлиникаларида, шунингдек, хонадонларга бориб аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишмоқда.

Ишчи гуруҳи томонидан ўтган бир ҳафта мобайнида 5000 нафардан зиёд фуқаролар

тиббий кўриқдан ўтказилиб, малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, тиббий кўриқдан ўтказилганларнинг 178 нафари ногиронлиги бўлган шахслар, 121 нафари эса кам таъминланган, яқка-ёлғиз беморлар ҳисобланади.

669 нафар оғир беморларнинг бевосита хонадонларида бориб, кўриқдан ўтказилди ва тиббий ёрдам кўрсатилди.

Беморларни замонавий тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида туман марказий шифохонасига 2 та рентген, 1 та УТТ, 2 та ЭКГ, 1 та ИВЛ ва 1 та наркоз бериш ускунаси келтирилган эди. Ушбу ускуналардан самарали фойдаланиб, ҳафта давомида 161 нафар бемор рентген, 274 нафар бемор флюорография, 146 нафар бемор эса ЭКГ текширувдан ўтказилди.

Тиббий кўриқлар давомида 584 нафар фуқарода бирламчи касалликлар аниқланди, 62 нафар бемор туман тиббиёт бирлашмасига стационар шартда даволаниш учун ётқизилди, 4890 нафар фуқарога амбулатор-поликлиника шариоотида даволаниш учун тавсиялар берилди. Булардан ташқари, 13 нафар аллергия ҳолат, артериал гипертензия, юрак-ишемик касаллиги ва қандли диабет билан касалланган беморлар аниқланиб, вилоят марказидаги 2-сонли шаҳар шифохонасига юборилди.

Тиббий кўриқлар жараёнида 28 нафар беморга бепул тиббий реабилитация воситалари берилди, 12 та ногиронлик аравачаси, 11 та ҳасса ва кўлтиктаёқ, 5 та эшитув мосламаси тарқатилди.

Бир ҳафта ичида ишчи гуруҳи таркибидаги юқори малакали мутахассислар 8 нафар беморда вилоят муассасаларида ўтказилиши зарур бўлган жарроҳлик амалиётларини Сўх туман марказий шифохонасининг ўзида муваффақиятли тарзда ўтказдилар.



Шарқобод қишлоғида яшовчи Али Тожибоев, Фазнов қишлоғида яшовчи Халила Абдужалилова, Комила Яхшибоева, Сафедкон қишлоғи Навбахор кўчасида яшовчи, 2-гуруҳ ногирони Орзийой Шамсидинов, Демурсад қишлоғи 64-уйда яшовчи Зиннат Тўхтамишева, Гулистон қишлоғи Навбахор кўчасида яшовчи Тинжинисо Тоирова каби турли хасталиклардан азият чекиб келаётган сўхлик фуқаролар беминнат ёрдам кўрсатган тиббиёт ходимларидан миннатдор бўлиб, Юртбошимизга, вилоят ҳокимлигига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятига раҳматлар айтишмоқда.

**Фаргона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.**

**ДОНОР БЎЛИНГ, ЎЗГАЛАРГА  
САЛОМАТЛИК УЛАШИНГ**

Андижон шаҳридаги қон қуйиш марказида 14 июнь – Халқаро донорлар кuni муносабати билан “Эзгулик албатта қайтади” широи остида “Донор бўлинг, ўзгаларга саломатлик улашинг”, деб номланган хайрия акцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Андижон вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган акция доирасида йиғилган донорлик қони пандемия шариоитида оғир касалланган беморлар ва “Меҳрибон юрак II” лойиҳасида жарроҳлик амалиётидан ўтказилаётган болажонлар учун йўналтирилади.

Кун давомида ёшлар, Ички ишлар, Миллий гвардия ходимлари, ҳарбий хизматчилардан ташкил топган 250 нафарга яқин кўнгилли донорлик қони топширди.

**Зухриддин УМУРЗОҚОВ.**



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Фаррух Шариповга падари бузруквори **Раҳим ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси 47-сонли жазони ижро этиш колонияси тиббиёт бўлими жамоаси собиқ бўлим бошлиғи Фулом Тешаева турмуш ўртоғи

**Хуршида ТЕШАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Газета муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир  
**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1458 нусха.  
Буюртма Г-650.

Газета «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона мақоили: Буюх Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажим 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

**Саҳифаловчи Бахтиёр КЎШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.